

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Yu.25.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

МЎМИНОВ БЕХЗОД АБДУВАХОБОВИЧ

**СУДГА ҚАДАР ИШ ЮРИТУВИДА МАХСУС ИҚТИСОДИЙ
БИЛИМЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика,
тезкор-қидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Мўминов Бехзод Абдувахобович

Судга қадар иш юритувида махсус иқтисодий билимлардан
фойдаланишни такомиллаштириш..... 3

Муминов Бехзод Абдувахобович

Совершенствование использования специальных экономических
познаний в досудебном производстве 25

Muminov Behzod Abduvahobovich

Improving the implementation of special economic knowledge at the pre-
judicial level 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 51

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Yu.25.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

МЎМИНОВ БЕХЗОД АБДУВАХОБОВИЧ

**СУДГА ҚАДАР ИШ ЮРИТУВИДА МАХСУС ИҚТИСОДИЙ
БИЛИМЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика,
тезкор-қидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Докторлик (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2PhD/Уу62 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (<http://akadmvd.uz/uz/nauka/deyatelnost-nauchnogo-soveta>) ва «ZIYONET» ахборот-таълим тармоғида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Миразов Даврон Мирагзамович
юридик фанлар доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Тўлаганова Гулчехра Захитовна
юридик фанлар доктори, профессор

Умархонов Азизхон Шарипхонович
юридик фанлар номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
Академияси**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Уу.25.01 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Интизор кўчаси, 68. Тел.: (99871) 265-22-52; факс: (998971)265-23-50; e-mail: info@akad.mvd.uz).

Диссертация билан Ички ишлар вазирлиги Академияси ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (92-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел.: (99871) 265-22-52.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2018 йил «___» _____ даги _____-рақамли реестр баённомаси).

Ў.Х. Мухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

И.Ю. Фазилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар доктори, доцент

А.Г. Закирова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш тизимини бугунги кундаги таҳдидлар ва талабларни инобатга олган ҳолда ислоҳ қилиш зарурати ошиб бормоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг статистик маълумотларига кўра, жиноий йўл билан топилган маблағларнинг фақат 1% аниқланиши, яширин иқтисодиёт ҳажми 2011 йилда дунё бўйича жами ялпи иқтисодий маҳсулотнинг 23%ини ташкил этгани, 2016 йилда сўровда қатнашган 115 та давлатдаги компанияларнинг 36% фаолияти давомида турли иқтисодий жиноятлар содир этилганлиги, жиноятларнинг 29% бевосита молиявий бошқарув ходимлари томонидан содир этилганлиги¹ иқтисодий жиноятчиликка қарши курашнинг янги тизими ва янада самарали механизмини ишлаб чиқиш зарурати мавжудлигини кўрсатмоқда.

Жаҳонда судга қадар иш юритувида махсус иқтисодий билимлардан фойдаланиш, жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш, аудиторлик текшируви ўтказиш, суд-иқтисодий экспертизаларни тайинлаш ва уларнинг натижаларини баҳолашни такомиллаштириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли кафолатлашга қаратилган қонун ҳужжатлари ва уларни қўллаш амалиёти билан боғлиқ муаммоларнинг илмий ечимини топиш долзарб ҳисобланади. Судга қадар иш юритувида махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишни такомиллаштириш истиқболларини тадқиқ қилиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Мустақиллик йилларида республикамизда иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган кенг қамровли институционал ва таркибий ислохотлар амалга оширилди. Бугунги кунда тадбиркорлик тузилмаларининг фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш ва иқтисодий жиноятларга қарши кураш механизмларини такомиллаштириш, «хуфиёна иқтисодиёт»га барҳам беришга қаратилган таъсирчан чораларни жорий этиш бўйича тизимли ишларни кучайтириш талаб этилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (1994), «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги (1998), «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги (2012) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (2016), «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги (2017), «Бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини тубдан ошириш ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш механизмларини

¹ Emerging from the shadows The shadow economy to 2025, <https://www.pwc.com/gx/en/services/advisory/forensics/economic-crime-survey.html>.

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2018) фармонлари ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларининг ижросини амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Судга қадар иш юритувида махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишнинг назарий ва амалий жиҳатлари Ғ. Абдумажидов, Л.И.Астанова, И.Р.Астанов, А.Д.Давлетов, Ш.Я. Джумамуратов, З.Ф. Иноғомжонова, Д.М.Миразов, Б.А.Миренский, Э.Х.Нарбутаев, Б.Х.Ю.С.Пулатов, А.Х.Раҳмонқулов, У.А.Тухташева, Г.З.Тулаганова, хорижлик олимлардан В.Арсеньев, А.Н.Ахпанов, Б.Т.Безлепкин, Р.С.Белкин, И.Е.Быховский, А.Н.Васильев, В.Г.Даев, З.З.Зинатуллин, В.Корноухов, И.Ф.Крылов, А.А.Леви, И.Л. Петрухин, А.Р.Ратинов, А.П.Рыжаков, М.С.Строгович, С.А.Шейфер ва В.С.Щадрин томонидан ўрганилган. Бироқ юқорида номлари келтирилган олимларнинг ишларида судга қадар иш юритувида махсус иқтисодий билимлардан фойдаланиш режали иқтисодий шароитларидан келиб чиққан ҳолда ёритилган ва бозор иқтисодиёти муносабатлари ҳисобга олинмаган.

Айни вақтда республикамиз суд-ҳуқуқ тизимидаги туб ислохотларнинг самараси ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясига катта эътибор қаратилаётгани муносабати билан муаммонинг долзарблиги ортиб боради ва у терговга жалб қилинган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласига бевосита дахлдор бўлганлиги боис чуқур ва мустақил комплекс тадқиқ этилиши муҳимдир.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган ҳамда «Ўзбекистон Республикасида жиноят-процессуал қонунчиликни либераллаштириш ва жиноят-процессуал қонунчиликдаги ўзгаришларни амалиётга жорий этиш масалалари» илмий лойиҳалари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади судга қадар иш юритувида махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

судга қадар иш юритувида махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишнинг ижтимоий зарурати ва шакллари аниқлаш;

махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари ва тартибга солинишини таҳлил қилиш;

судга қадар иш юритувида мутахассис-иқтисодчи иштирокининг хусусиятларини аниқлаш,

судга қадар иш юритувида фактик назорат усулларини қўллашнинг ҳолатини ва ўзига хос хусусиятларини ўрганиш;

судга қадар иш юритувида аудиторлик текшируви ўтказишнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш;

жиноят ишлари юзасидан тафтиш тайинлаш ва ўтказиш амалиётини ўрганиш;

судга қадар иш юритувида суд-иқтисод экспертизаларини тайинлашнинг ва унинг натижаларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш;

судга қадар иш юритуви жараёнида махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишга оид хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиб тегишли қонун нормалари ва уларни қўллаш амалиётини яхшилашга оид таклифлар бериш;

судга қадар иш юритувида махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишда тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминланишини ўрганиш асосида илмий асослантирилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти судга қадар иш юритувида махсус иқтисодий билимлардан фойдаланиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети судга қадар иш юритувида махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларни қўллаш амалиёти, айрим хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти, юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар ва илмий-назарий қарашлар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот олиб боришда тизимли-тузилмавий, формал-мантиқий, статистик, аниқ-социологик, илмий манбаларни, идоравий-норматив ҳужжатлар, статистик ҳисоботларни ўрганиш ва қиёсий таҳлил қилиш, социологик сўровлар ўтказиш, кузатиш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

исботлаш воситаси бўлган махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишнинг ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ тартибга солинмаганлиги тадбиркорлик фаолияти эркинлигига таҳдид эканлиги сабабли уни бартараф этиш ва процессуал тартибга солиш зарурияти асосланган;

мутахассис хулосаси далилларнинг мустақил манбаи эканлиги, тафтиш далолатномаси билан бирга процессуал куч ва воситаларнинг тежалишига хизмат қилиши, процессуал қарорлар қабул қилиш муддатларини қисқартиришга имкон бериши исботланган;

махсус иқтисодий билимлардан фойдаланиш жараёнида гумон қилинувчи ва айбланувчининг ҳуқуқларини кафолатлаш, шунингдек ҳимоячининг мутахассислар хулосасини олиш ва тақдим этиш, суриштирувчи ёки терговчининг рухсати билан тафтиш ва мутахассис текширувларида иштирок этиш ваколатларини кенгайтириш таклиф этилган;

тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш учун махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишнинг замонавий, ахборот технологияларига асосланган услубларини ишлаб чиқиш, тафтиш муддатларини қисқартириш зарурлиги асослаб берилган;

мутахассис ва тафтишчи нотўғри (ёлғон) хулоса берганлиги учун қонунда тегишли жавобгарлик белгилаш, терговга қадар текширув давомида ўтказилиши мумкин бўлган тергов ҳаракатлари қаторига мутахассис хулосасини олиш ва фактик назорат усулларини қўллашни киритиш юзасидан киритилган таклифлар асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

махсус иқтисодий билимларни процессуал тартибга солиш юзасидан таклиф ва тавсиялар иқтисодий жиноятларга қарши кураш ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

судга қадар иш юритувида махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишни такомиллаштиришга қаратилган услубий тавсиялар тизими яратилган;

тадбиркорлик субъектлари билан боғлиқ жиноят ишларини юритишнинг алоҳида тартибини жорий этиш ва мазкур тартибни ЖПК нормаларида акс эттиришга доир тегишли таклифлар ваколатли органлар томонидан қабул қилинган;

махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш мақсадида «Жиноят ишлари юзасидан махсус иқтисодий билимлардан фойдаланиш тартиби тўғрисида йўриқнома» ишлаб чиқилган;

судга қадар иш юритувида махсус иқтисодий билимлардан фойдаланиш жараёнида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш зарурлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунчилик нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, қонунни қўллаш амалиёти, жиноят-процессуал ҳуқуқ назариясининг умум эътироф этган қоидалари ва бошқа ишончли манбалар, илмий далиллар асосида исботланган.

Мутахассис (судья, прокурор, тергов бўлинмаси раҳбари, терговчи)ларнинг судга қадар иш юритувида махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишнинг хусусиятларига оид мулоҳаза ва фикрларини ўрганиш учун социологик сўровлар ўтказилган, судга қадар иш юритувида махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишга тааллуқли статистик маълумотлар ва иш юритувида бўлган жиноят ишларини таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган.

Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, тадқиқот натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилиниб, ваколатли органлар томонидан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан келгуси илмий фаолиятда, қонун

ижодкорлигида, қонунни қўллаш амалиётини ривожлантириш, жиноят-процессуал қонунчиликнинг тегишли нормаларини шарҳлаш, миллий қонунчиликни такомиллаштириш, жиноят-процессуал ҳуқуқи, дастлабки тергов, суд бухгалтерияси фанларини илмий-назарий жиҳатдан бойитишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларидан янги илмий тадқиқотлар олиб боришда фойдаланиш мумкин, ишлаб чиқилган амалий таклиф ва тавсияларнинг аҳамияти қонун ижодкорлиги, судга қадар иш юритувида махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишнинг самарадорлигини оширишда, юридик таълим муассасаларининг ўқув жараёнида фойдаланилишда намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Диссертация тадқиқоти бўйича олинган илмий натижалар асосида:

янги тергов ҳаракати сифатида тафтишни процессуал тартибга солиш, унинг далилий аҳамияти, асослари, тартиби ва муддатларини белгилашга оид таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 29 декабрдаги «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Қонунини шакллантирилишида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2018 йил 19 апрелдаги 06/1-06/1152-сон маълумотномаси). Таклифларнинг инобатга олиниши тафтишни процессуал тартибга солиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини таъминлаш ва жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида мавжуд коллизион ҳолатларни бартараф этишга хизмат қилган;

ички ишлар органлари томонидан судга қадар иш юритувида махсус иқтисодий билимлардан фойдаланиш жараёнида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш асосларини, тартиби ва муддатларини белгилашга оид таклифлардан Ички ишлар вазирлиги томонидан идоравий-норматив ҳужжатлар тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Юридик таъминлаш бошқармасининг 2018 йил 6 январдаги 2-сон маълумотномаси). Бу ички ишлар органлари томонидан жиноятларни тергов қилишда махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашини олдини олишга ҳисса қўшган;

судга қадар иш юритувида махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишнинг назарий жиҳатларига доир илмий хулосалардан «Тергов фаолияти» мутахассислиги учун «Дастлабки тергов» дарслигида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг 2017 йил 11 февралдаги 38/35-18-сон маълумотномаси). Илмий хулосаларнинг инобатга олиниши судга қадар иш юритувида махсус

иқтисодий билимлардан фойдаланишнинг назарий жиҳатларига доир методологик ёндашувларни ривожлантиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 12 та илмий-амалий анжуманда, жумладан 2 та халқаро, 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича 11 та илмий иш, шу жумладан 2 та монография, 9 та мақола (3 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 153 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** (докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси) қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси; тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

«Судга қадар иш юритувида махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишнинг назарий-ҳуқуқий жиҳатлари» номли биринчи бобда муаллиф томонидан судга қадар иш юритувида махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишнинг моҳияти ва ижтимоий-ҳуқуқий зарурати ўрганилган, судга қадар иш юритувида махсус иқтисодий билимлардан фойдаланиш шакллари таснифланган.

Тадқиқотчи махсус билимлардан фойдаланишнинг процессуал имкониятларини кенгайтириш, жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини оширишда муҳим ўрин тутиши, иқтисодиёт соҳасидаги жиноят ишлари бўйича тайинланган ва ўтказилган тафтиш, суд-иқтисодий экспертизаларнинг материалларини ўрганиб, фан ва техника тараққиёти натижасида махсус билимларнинг қўлланиш соҳалари кенгайтириб, аввал маълум бўлмаган соҳаларда мазкур билимлардан фойдаланиш зарурати мавжуд, деган хулосага келган. Аксарият жиноят ишлари юзасидан махсус билимларни қўллагандан терговга қадар текширув ўтказиш, жиноят иши қўзғатиш, айбланувчи шахслар доирасини аниқлашнинг умуман имкони йўқ. Булар жумласига иқтисодий жиноятлар, кредит, лизинг, техника хавфсизлиги, меҳнат муҳофазаси, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиш билан боғлиқ, қурилишда бажарилган ишлар

ҳажмини ошириб кўрсатиш йўли билан ўзлаштириш каби жиноятларни киритиш мумкин.

Тадқиқотчи «Махсус иқтисодий билимлар - жиноят процессида ҳақиқатни аниқлаш мақсадида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш жараёнида қонунда белгиланган шаклларда фойдаланиладиган иқтисодиёт соҳасидаги билимлар» деб таъриф беради ва махсус иқтисодий билимлар далиллар тўплашнинг ЖПКда белгиланган бошқа воситалари билан бирга, жиноят объектини, жиноят туфайли етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдори, содир этилган жиноятнинг вақти, жойи ва усулини, шунингдек қилмиш ва рўй берган ижтимоий хавфли оқибат ўртасидаги сабабий боғланишни, жиноятнинг ушбу шахс томонидан тўғри ёки эгри қасд билан ёхуд бепарволик ёки ўз-ўзига ишониш оқибаотида содир этилганлигини, жиноятнинг сабаб ва мақсадларини аниқлаш учун хизмат қилишини таъкидлайди.

Ишда амалга оширилган назарий изланишлар натижасида судга қадар иш юритувида махсус билимлардан фойдаланиш - исботлаш мақсадида, маълум бир соҳадаги билим ва кўникмаларни қонунда белгиланган процессуал шаклда қўллашга қаратилган фаолият сифатида таърифланган.

Шу билан бирга махсус иқтисодий билимлар иқтисодий жиноятлардан ташқари барча турдаги жиноят ишлари бўйича: а) жиноий даромад миқдорини аниқлаш; б) мажбуриятлар бўйича қарздорлик миқдорини аниқлаш; в) мулк ва молиявий операциялар билан боғлиқ битимларнинг қийматини аниқлаш; г) етказилган моддий зарар миқдорини аниқлаш; д) олиб қўйилган, хатланган мол-мулк қийматини аниқлаш учун қўлланиши мумкинлиги эътироф этилган.

Махсус иқтисодий билимларнинг предмети иқтисодий фаолиятнинг қонунга хилоф фаолиятга айланиши билан боғлиқ қонуниятларни ўрганишдан иборат бўлиб, уларни қўллаш орқали нафақат қонун бузилиши ҳолати аниқланади, балки қонун бузилишининг умумий хусусиятлари жамланади, иқтисодий жиноятчилик механизмлари фош қилинади. Судга қадар иш юритувини амалга ошираётган шахс жиноят иши ва исботланиши лозим бўлган ҳолатлардан келиб чиқиб, махсус иқтисодий билимларнинг қайси шаклини қўллаш мақсадга мувофиқлигини ҳал қилиши зарур.

Жиноят ишларини судга қадар юритишда махсус иқтисодий билимлардан фойдаланиш шакли жиноят ишининг ҳажми, суриштирув ва дастлабки тергов муддатлари, исботлаш предметидан келиб чиқиб индивидуал равишда ҳал этилади. Судга қадар иш юритувида махсус иқтисодий билимлардан фойдаланиш шакли деганда жиноятларни аниқлаш, профилактикасини амалга ошириш, суриштирув ва дастлабки тергов ўтказиш, жиноят иши бўйича моддий зарарнинг миқдори ва хусусиятини аниқлаш, уларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни кўриш ҳамда ишнинг судда кўрилишини таъминлаш мақсадида ваколатли субъектларнинг махсус иқтисодий билимларни қўллаш жараёни, тартиби, хусусиятлари ва натижаларини ўзида акс эттирувчи белгилар тизими тушунилади.

Махсус иқтисодий билимлардан фойдаланиш тури деганда, уларни қўллаш шакли доирасида амалга ошириладиган ўзаро ўхшаш белги ва хусусиятларга эга жараёнлар тушунилиши керак.

Иқтисодиёт соҳасидаги жинойтлар юзасидан судга қадар иш юритувини амалга оширишда махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишнинг процессуал шакллари кенг қўлланилаётгани сабабли мазкур фаолият амалдаги ЖПКнинг қатор моддаларида ҳуқуқий тартибга солинган, жумладан:

далилларнинг экспертиза ва тафтиш тайинлаш йўли билан тўпланиши (ЖПК 87-м.);

материаллари иш қўзғатилишига асос бўлган тафтиш ёки ўзга идоравий текширув ўтказган шахснинг ушбу ишда эксперт ёки мутахассис сифатида иштирок этишга ҳақли эмаслиги (ЖПК 78-м.);

идоравий текширув ҳулосаси, тафтиш ҳужжатлари, мутахассислар маслаҳати экспертиза ўтказиш заруратини истисно этмаслиги (ЖПК 172-м.);

тафтиш тайинлаш учун асослар, тафтиш тайинлаш, тафтиш ўтказиш учун тайинланадиган шахслар, тадбиркорлик субъектларини тафтишдан ўтказиш шартлари, тафтиш ўтказиш тартиби, тафтиш ўтказиш муддатлари, тафтиш натижалари тўғрисидаги далолатнома, қўшимча ёки қайта тафтиш, текширилаётган субъект мансабдор шахслари ёки вакилларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, тафтиш ўтказувчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари (ЖПК 22¹-боби. Тафтиш).

корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари суриштирувчи, терговчи ёки суднинг талабига кўра ўз ваколатлари доирасида ҳужжатли тафтиш ёки бошқа хизмат текширувини ўтказишлари ва тафтиш ёки текширув далолатномасини барча иловалари билан бирга белгиланган муддатда тақдим қилишлари шартлиги (ЖПК 201-м.);

суриштирувчи, терговчи ёки суд тафтиш ёки текширув далолатномасида ёхуд бошқа ҳужжатда белгиланган қоидалардан чекинишга, нуқсон, зиддият ёки бошқа камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганида ушбу камчиликлар бартараф этилишини талаб қилишга ҳақли эканлиги;

тафтишлар ва бошқа хизмат текширувларининг далолатномалари ёзма далил сифатида тақдим қилинган бошқа ҳужжатлар қатори ишга қўшиб қўйилиши (ЖПК 202-м.);

ҳужжатли тафтиш тайинланиши терговга қадар текширув муддатини бир ойгача узайтириш асосларидан бири сифатида белгиланганлиги (ЖПК 329-м.).

Диссертациянинг иккинчи боби «Судга қадар иш юритувида махсус иқтисодий билимларни қўллашнинг таҳлили»га бағишланган. Унда муаллиф судга қадар иш юритувида мутахассис-иқтисодчи иштирокининг хусусиятларини ўрганган, судга қадар иш юритувида фактик назорат усулларидан фойдаланиш масалаларини тадқиқ этган, жинойт ишлари юзасидан тафтиш тайинлаш ва ўтказиш амалиётини ҳамда судга қадар иш юритувида суд-иқтисодий экспертизаларини тайинлаш ва уларнинг натижаларини баҳолаш таҳлил қилинган.

Судга қадар иш юритувида махсус иқтисодий билимга эга бўлган шахс сифатида мутахассисни жалб қилиш процессуал куч ва воситаларни тежашга, тегишли экспертиза, тафтиш ва бошқа тадқиқотларни ўтказиш учун саволларни шакллантиришга, турли хатоликларнинг олдини олиш, сўроқ қилиш, олиб қўйиш, тинтув каби тергов ҳаракатларини ўтказиш самарадорлигини оширишга, жиноят ишлари бўйича етказилган моддий зарарнинг хусусияти ва миқдорини аниқлашга ҳамда ҳисоблаб чиқишга катта ёрдам беради. Мутахассис-иқтисодчи молия-хўжалик фаолияти, бухгалтерия ҳисоби соҳасида махсус билимларга эга, судга қадар иш юритуви ва судда иш юритишда маслаҳат ёки хулоса бериш мақсадида таклиф этилган шахсдир.

Муаллиф амалга оширган тадқиқотларига асосланиб, Ўзбекистон Республикасининг «Гувоҳлар, жабрланувчилар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва ҳолисларнинг қилган харажатларини тўлаш тартиби ва миқдорлари тўғрисида»ги қонунига тегишли ўзгартишлар киритиш, тўланадиган пул маблағлари миқдорини қайта кўриб чиқиш, шунингдек ҳақ тўлашнинг ягона марказлашган тартибини жорий қилиш, ҳақ тўлашни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурида ташкил этиладиган махсус жамғарма орқали амалга ошириш ҳақида таклифларни асослаган.

Ишда судга қадар иш юритуви жараёнида махсус иқтисодий билимлар қўлланиладиган фактик назорат усуллари қуйидагича таснифланган: кўздан кечириш (бино ва бошқа турдаги мулкларнинг мавжудлиги; ҳисоблаш ускуналари, кулф, сигнализация ва муҳрлаш воситаларига ташқи таъсир ўтказилганлиги ҳолатларини аниқлаш); инвентаризация; нақд пул қолдиғини олиш; экспертнинг баҳолаш хулосаси (йўл-транспорт ҳодисаси натижасида автотранспорт воситасига етказилган зарар ёки ёнғин натижасида етказилган зарар миқдорини аниқлаш учун); лаборатория текшируви; назорат тартибида сотиб олиш; назорат ўлчови; материалларни ишлаб чиқаришга назорат тартибида киритиш (эксперимент).

Барча турдаги текширишларни, шу жумладан фактик назорат усуллари жиноят иши доирасида қўлловчи шахслар амалиётда фақат мутахассис сифатида иштирок этади ва хулоса беради. Мутахассиснинг хулосасини ЖПК 201-моддасида кўрсатилган «бошқа ҳужжатлар» тоифасига ҳам қўшиб бўлмайди, чунки хулоса мутахассис томонидан терговчининг топшириғи асосида махсус билимларни қўллаш натижасида тузилади.

ЖПК 69-моддасида мутахассис тергов ва суд муҳокамасини ўтказишда далилларни топиш ва мустаҳкамлашда суриштирувчига, терговчига, прокурорга ва судга ёрдам бериш учун чақирилиши, яъни фақат тергов ва суд жараёнида қатнашиши кўзда тутилган. Лекин, ЖПКда мутахассиснинг мустақил процессуал мавқеи ва хулоса бериш ҳуқуқи, шунингдек, мутахассисни сўроқ қилиш тартиби белгиланмаган.

Мутахассис хулосасининг экспертиза хулосасидан фарқи унинг тадқиқот ўтказишни талаб қилмайдиган фактлар юзасидан олиниши мумкинлигидадир. Мутахассис хулосаси тарафлар томонидан қўйилган, махсус тадқиқот

ўтказишни талаб қилмайдиган саволлар юзасидан ўз ваколатлари доирасида ёзма равишда берилган фикрдир.

Жиноят ишлари бўйича судга қадар иш юритишда махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишнинг мутахассисни жалб қилиш шаклидан фойдаланиш, процессуал куч ва воситаларни тежаш, яъни экспертиза ва тадқиқот ўтказиш талаб қилинмайдиган ҳолларда мутахассис хулосасидан фойдаланиш имконини беради.

ЖПК 329-моддасида терговга қадар текширув ўтказиш жараёнида ҳужжатлар, тушунтиришлар талаб қилиб олиш, шунингдек шахсни ушлаб туриш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ва экспертиза ўтказиш мумкинлиги белгиланган. Бинобарин, жиноят ишини кўзғатиш босқичида иқтисодий экспертизалар тайинланиши мумкин. Бироқ, иқтисодий экспертизалар ўтказиш учун катта ҳажмдаги материаллар ва узоқ муддат талаб қилиниши сабабли амалиётда терговга қадар текширув босқичида улар камдан-кам ҳолларда тайинланади.

Мутахассис хулосасини олишнинг экспертизадан афзаллиги шундаки, терговга қадар текширув босқичи ва дастлабки терговнинг илк босқичларида жиноят ҳақида хабарни кўриб чиқиш ва гумон қилинувчини ушлаб туриш муддатлари қатъий чегараланганлиги сабабли қисқа муддатларда қарор қабул қилиш имконини беради. Шу билан бирга, айбланувчи ва ҳимоячига ҳам мутахассис хулосасини тергов ва судга тақдим қилиш ҳуқуқи берилиши кейинчалик тергов ва суд жараёнида хулоса берган мутахассисни сўроқ қилиш орқали текшириш, яъни ЖПК 25-моддасида белгиланган судда ишларни юритишда тортишув принципини таъминлаш имконини беради.

Юқоридагиларга асосан ЖПК 329-моддасига қўшимча киритиб, терговга қадар текширув ўтказиш жараёнида мутахассис хулосасини олиш мумкинлигини белгилаш, жиноят айниқса иқтисодий жиноятлар бўйича хабарларни тўлиқ ва холисона кўриб чиқиш ва кўриб чиқиш муддатларини қисқартириш имконини беради.

Жиноят иши кўзғатилиши муносабати билан тайинланадиган ва ўтказиладиган тафтишдан кўзланадиган мақсад талон-торож ёки бошқа жиноий қилмишлар содир этилганлиги ёки содир этилмаганлигини аниқлаш, молиявий операцияларнинг тўғри бажарилганлигини, бухгалтерия ҳисоби тўғри юритилганлигини, моддий ресурслар тўғри ҳаракатланганлигини текширишдан иборатдир.

Тафтишнинг асосий вазифалари:

- а) режа-топшириқларнинг бажарилганлигини ўрганиш;
- б) моддий ва молиявий ресурсларидан тежамли фойдаланилганлигини текшириш;
- в) мулк муҳофазаси аҳволини ўрганиш;
- г) бухгалтерия ҳисобининг тўғри йўлга қўйилганлигини текшириш;
- д) ички тафтиш ишлари устидан назорат ўрнатиш;

е) қўшиб ёзиш, талон-торож ва бошқа турдаги қонунбузарликларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича тавсиялар беришдан иборат.

Юқоридагиларга асосан тафтишнинг қонунда белгиланган амалдаги таҳрири, аслида, ҳужжатли текширувга тегишли эканлигини ҳисобга олиб, ЖПК 187¹-моддасини қуйидаги таҳрирда баён қилиш таклиф этилади.

Тафтиш суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг қарори (ажрими) асосида, махсус иқтисодий билимларга эга бўлган мутахассис томонидан, ҳужжатли ва фактик назорат усуллари қўллаб, хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий-хўжалик фаолиятини текширишдир.

ЖПКда тафтиш тайинлаш устидан шикоят қилиш, уни кўриб чиқишнинг аниқ процессуал тартиби белгиланмаганлиги, тафтиш тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини чеклаш билан боғлиқлиги, тафтиш натижасида амалда тадбиркорлик субъектининг фаолияти тўхтаб қолиши мумкинлиги сабабли тафтиш тайинлаш ҳақидаги қарор устидан шикоят қилиш ҳуқуқи қонунда кафолатланиши зарур.

Терговга қадар текширув давомида тафтиш тайинлаш амалиёти тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашуш учун асос бўлиши мумкинлиги, амалдаги қонунларимизга зидлиги сабабли ЖПК 329-моддаси иккинчи қисмига ўзгартиш киритиб, терговга қадар текширув давомида ўтказилиши мумкин бўлган тергов ҳаракатларидан тафтишни чиқариб, фақат мутахассис хулосасини олиш мумкинлигини белгилаш, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтиришга хизмат қилади.

Ўрганилган 87 та жиноят ишидан 72 тасида тафтиш далолатномасидан жиноят ишида далил сифатида фойдаланилгани, 49 та жиноят ишида тафтиш ёки назорат ўлчовини ўтказган шахслар гувоҳ сифатида сўроқ қилингани, 7 та жиноят ишида назорат ўлчовидан далил сифатида фойдаланилгани, 4 та жиноят ишида инвентаризация натижаларидан далил сифатида фойдаланилгани, 3 та жиноят иши бўйича иқтисодий экспертизалар ўтказилиб, шундан 2 таси тафтиш хулосасини текшириш ёки мавжуд камчиликларини бартараф қилиш мақсадида ўтказилганлиги ҳам тафтиш махсус иқтисодий билимларни қўллашнинг асосий шакли эканлигини тасдиқлайди.

Шу билан бирга, Давлат солиқ қўмитасидан олинган маълумотларга кўра, жиноят ишлари бўйича 2012 йилда 5861 та, 2013 йилда 5361 та, 2014 йилда 4902 та, 2015 йилда 4406 та 2016 йилда 3435 та, 2017 йилда 1763 та, 2018 йил 3 ойи давомида 390 та тафтиш ўтказилганлиги ҳам ушбу фикрларни тасдиқлайди.

Иқтисодий экспертизалар иқтисодий билимларни жиноятларни очиш ва тергов қилишга йўналтириш натижасида юзага келган. Эксперт процессуал жиҳатдан қатъий чегараланган бўлиб, товар-моддий бойликлар ва пул маблағларининг ҳақиқатда мавжудлигини текшириш, экспертиза объектининг мансабдор ва моддий жавобгар шахслари билан учрашиш, уларга савол бериш, ҳужжатлар ва тушунтириш талаб қилиш ҳуқуқига эга эмас. Шу сабабли тадқиқот учун экспертиза объектдан фойдаланиш имконияти нисбатан

чекланган бўлиб, у мазкур маълумотларни фақат терговчи орқали олиши мумкин. Эксперт хулоса беришда фақатгина жиноят иши бўйича ўрнатилган тартибда олиб қўйилган ҳужжатларга асосланиши мумкин.

Суд-иқтисодий экспертиза хулосаси қуйидаги мезонларга кўра баҳоланиши зарур:

а) экспертиза олдига қўйилган саволлар юзасидан иш учун аҳамиятли ҳолатлар тўлиқ аниқланганлиги;

б) жиний қилмишларга алоқадор ҳужжатлар тўлиқ тадқиқ этилганлиги;

в) хулоса ва аниқланган ҳолатларнинг жиноят иши материалларига мувофиқлиги;

г) хулосадан жиноят иши бўйича далил сифатида фойдаланиш мумкинлиги.

Жиноятларни тергов қилиш жараёнида тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш объектив зарурат эканлигидан келиб чиқиб, иқтисодий экспертизанинг имкониятларини кенгайтириш ва исботланиши зарур бўлган ҳолларда улардан кенг фойдаланишни тақозо этаётганлиги ҳақида хулоса чиқарилган.

Диссертациянинг учинчи боби «Судга қадар иш юритувида махсус иқтисодий билимлардан фойдаланиш институтини такомиллаштириш йўллари»га бағишланган. Унда судга қадар иш юритуви жараёнида махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишга оид айрим хорижий мамлакатлар тажрибаси ўрганилган, судга қадар иш юритувида махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишда тадбиркорлар ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланишини такомиллаштириш, судга қадар иш юритувида махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш ва такомиллаштириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилган

Хорижий давлатлар, жумладан, АҚШда иқтисодий жиноятларни очиш учун жиноятчиликка қарши курашувчи давлат идоралари томонидан суд бухгалтерияси мутахассисларини вақтинчалик ёллаш амалиёти мавжуд. АҚШда суд бухгалтерияси соҳасидаги мутахассисларга талаб жуда юқори бўлиб, улар бизнес, солиқ, бошқарув соҳасида амалий тажрибага эга бўлиши билан бирга, йирик компанияларда ички бошқарув тизими ҳақида тушунчага эга бўлиши, шунингдек айбланувчи айнан қайси усулда жиноят изларини яширганлигини тушуниши учун психология соҳасида ҳам билимларга эга бўлиши зарур. Тафтишчиларни ёллашнинг «Америка тажрибаси» деб номланган шаклида, прокуратура ёки тергов идоралари тафтишни ўтказувчи компания билан аниқланадиган зарар ёки ундириладиган жариманинг маълум миқдорини, компания ҳисобига ўтказиш ҳақида олдиндан келишув тузади.

Германияда тафтишнинг қуйидаги умумий мақсадлари ишлаб чиқилган:

а) ахборот хавфсизлигини таъминлаш, тафтиш жараёнида аниқланган ҳолатлар ҳақидаги маълумотлардан учинчи шахсларнинг хабардор бўлишига йўл қўймаслик;

б) ходимларни ҳимоя қилиш (тергов муносабати билан уларнинг барчаси гумон остида бўлиши, бир-бирларига нисбатан кўрсатма беришга мажбур бўлишлари, ишларини йўқотишлари мумкинлиги назарда тутилмоқда);

в) ишга тааллуқли маълумотлар йўқ қилинишининг олдини олиш чораларини кўриш;

Хорижий мамлакатларда тафтиш турлича номланса-да, назорат қилувчи идоралар томонидан ўтказиладиган (текширув объектининг ташаббусига асосланмаган ва у томонидан ҳақ тўланмайдиган) текширув эканлиги умум эътироф этилган. Биздаги тафтиш ва иқтисодий экспертиза ўрнига Англо-саксон ҳуқуқ тизимида «inspection»(тафтиш), «documentary check»(ҳужжатли тафтиш), «verification» (назорат, текширув) атамалари ишлатилади. «Revenue inspection» атамаси бож ва солиқ билан боғлиқ текширувларни англатади.

Европа давлатларида тафтиш ўтказиш тартиби ва текширув предметини тадбиркорлик субъектига олдиндан аниқ ва раво тарзда етказилишига алоҳида эътибор қаратилади. Сабаби қонунлар асосан уни қўлловчилар тилида баён этилганлиги сабабли ҳуқуқшунос бўлмаган шахслар уларнинг баъзи талабларини тушуна олмаслиги мумкинлиги назарда тутилади.

МДХ давлатларида судга қадар иш юритуви жараёнларида махсус иқтисодий билимларни қўллашнинг процессуал тартибга солиниши ва ҳўжалик юритувчи субъектларни текшириш тажрибасини ўрганиш улардан ҳар бирининг ўзига хос жиҳатларга эгаллигини кўрсатди. Шу билан бирга, аксарият МДХ давлатларида иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар билан боғлиқ жиноят ишлари асосан полиция терговига тегишли эканлиги ҳисобга олиниб, қатор мамлакатларнинг ИИБ тизимида тафтиш ва иқтисодий текширувлар бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлимлари, шунингдек, ИИБнинг Эксперт-криминалистика марказлари таркибида иқтисодий экспертизалар бошқармаси ташкил этилган. Мазкур тажрибанинг ижобий жиҳати суриштирувчи, терговчи ва махсус иқтисодий билимларни қўлловчи мутахассис (эксперт)лар ҳамкорлигининг самарадорлигини ошириб, иқтисодий билимларни қўллашга нисбатан умумий талабларни шакллантириш имконини берган. Муаллиф айнан шу ижобий тажрибанинг республикамиз ички ишлар органлари тизимида жорий этилиши ижобий самара беради, деган хулосага келган.

Ҳужжатлар ва товар-моддий бойликлар сақланадиган биноларни муҳрлаш асослари ва муддатларини (имкон қадар соатларда) аниқ кўрсатиш, муҳрни бузганлик учун жавобгарлик белгилаш, бир томондан тафтишнинг самарасини оширса, иккинчи томондан ҳўжалик юритувчи субъект ҳуқуқлари поймол қилинишининг олдини олади.

Фойда (даромад) ёки солиқ солинадиган бошқа объектлар ҳисобини олиб бормаслик ёхуд белгиланган тартибни бузиб олиб бориш, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан жуда кўп миқдорда бўйин товлаш, ўзлаштириш ва растрата йўли билан талон-торож қилиш каби бошқа жиноятларни содир этиш усули бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиб, МЖТҚда бу турдаги

ҳуқуқбузарликлар учун белгиланган жазо чорасини кучайтириш мақсадга мувофиқлиги асосланган.

ХУЛОСА

Судга қадар иш юритувида махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишни такомиллаштириш диссертация тадқиқоти натижасида илмий-назарий хулосалар, тегишли қонунларнинг нормаларини такомиллаштириш, уларни қўллаш амалиётининг самарадорлигини оширишга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

1. Махсус иқтисодий билимлар далиллар тўплашнинг ЖПКда белгиланган бошқа воситалари билан бирга, жиноят объектини, жиноят туфайли етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, содир этилган жиноятнинг вақти, жойи, усулини, шунингдек ЖКда кўрсатиб ўтилган бошқа ҳолатларни, қилмиш ва рўй берган ижтимоий хавфли оқибат ўртасида сабабий боғланиш мавжудлигини, жиноятнинг ушбу шахс томонидан, тўғри ёки эгри қасд билан ёхуд бепарволик ёки ўз-ўзига ишониш оқибатида содир этилганлигини, жиноятнинг сабаблари ва мақсадларини аниқлаш учун хизмат қилади.

2. Иқтисодий жиноятларнинг хусусиятларини-уларнинг яширинлиги, яъни оқибатлари юзага келгунига қадар уларни аниқлашнинг имкони йўқлиги сабабли, судга қадар иш юритувини амалга оширувчи органлар олдида қисқа муддатда жиноятни фош қилиш, исботлаш, моддий зарар миқдорини аниқлаш каби вазифалар қўйилади. Тергов жараёнида ва ҳукм чиқарилганидан сўнг ҳам иқтисодий жиноятнинг бутун ҳажми фош бўлмаслиги мумкин.

3. Махсус иқтисодий билимлар қонунда белгиланган шаклда жиноятларни аниқлаш ва исботлаш учун қўлланиладиган иқтисодиёт соҳасидаги билим, кўникма ва амалий иш тажрибасидир.

4. Судга қадар иш юритувида махсус иқтисодий билимлардан фойдаланиш шакллари қуйидагича таснифланган:

1) махсус иқтисодий билимлар суриштирувчи ёки терговчи томонидан қўллаш;

2) судга қадар иш юритувида мутахассиснинг иштироки, жумладан улар ёрдамида фактик назорат усулларида фойдаланиш;

3) жиноят ишлари юзасидан тафтиш тайинлаш ва ўтказиш;

4) судга қадар иш юритувида суд-иқтисодий экспертизалари тайинлаш ва ўтказиш;

5. Махсус иқтисодий билимлар иқтисодий жиноятлардан ташқари, барча турдаги жиноят ишлари бўйича қуйидагиларни:

а) жиноий даромад миқдорини;

б) мажбуриятлар бўйича қарздорлик миқдорини;

в) мулк ва молиявий операциялар билан боғлиқ битимларнинг қийматини;

г) етказилган моддий зарар миқдорини;

д) олиб қўйилган, хатланган мол-мулк қийматини аниқлаш мақсадида қўлланиши мумкин.

6. Судга қадар иш юритувида махсус иқтисодий билимлардан фойдаланиш шакли деганда жиноятларни аниқлаш, профилактикасини амалга ошириш, терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов ўтказиш, жиноят иши бўйича моддий зарарнинг миқдори ва хусусиятини аниқлаш, уларни баратараф этишга қаратилган чораларни кўриш ҳамда ишнинг судда кўрилишини таъминлаш мақсадида ваколатли субъектлар томонидан махсус иқтисодий билимларни қўллаш жараёни, тартиби, хусусият ва натижаларини ўзида акс эттирувчи билимлар тизими тушунилади.

7. Махсус иқтисодий билимлардан фойдаланиш тури деганда, уларни қўллаш шакли доирасида амалга ошириладиган ўзаро ўхшаш белги ва хусусиятларга эга жараёнлар тушунилиши керак.

8. Судга қадар иш юритувида махсус иқтисодий билимга эга шахс сифатида мутахассисни жалб қилишнинг мақсадлари таснифланган ва жиноят процесси иштирокчиси сифатида мутахассис-иқтисодчига таъриф берилган.

9. Судга қадар иш юритуви жараёнида махсус иқтисодий билимлардан фойдаланиш тури сифатида фактик назорат усуллари таснифланган.

10. Жиноят иши кўзғатилиши муносабати билан тайинланадиган ва ўтказиладиган тафтишнинг мақсади талон-торож ёки бошқа жиноий қилмишлар содир этилганлиги ёки содир этилмаганлигини аниқлаш, молиявий операцияларнинг тўғри бажарилганлиги, бухгалтерия ҳисобининг тўғри юритилганлиги, моддий ресурсларнинг тўғри ҳаракатланишини текширишдан иборатдир.

11. Тафтишнинг тур ва шакллари фариқлаш мақсадида махсус мезонлар ва таснифи ишлаб чиқилган.

12. Иқтисодий операциялар ҳисоби хўжалик фаолияти жараёнини ўзида акс эттиришидан келиб чиқиб, ҳисоб жараёнининг ўзига хос хусусияти ва қонуниятларига асосланиб, суд-иқтисодий экспертизаларнинг объектлари гуруҳлаштирилган.

